11 ОКТ 1984

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 230 (5521).
8 ОКТЯБРЬ 1984 й.
ДУШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

КОМСОМОЛ-ЁШЛАР ШАНБАЛИГИ

Республика комсомол-ёшларининг 6 октябрь куни бўлиб ўтган шанбалигида тўрт миллионга яқин йигит ва қиз иштирок этди. Шанбалик В. И. Ленининг РКСМ III съездида сўзлаган тарихий нутқининг 64 йиллигига ва Ленин комсомоли вужудга келган кунининг 66 йиллигига бағишланди.

Ўзбекистон саноат корхоналарининг, қурилишлари, колхоз ва совхозларининг ёшлари «Комсомол рекордларига эришайлик!» шиори остида шанбаликка чиқдилар.

Шу куни Тошкент ва Андижон ёш машинасозлари, Қарши ва Жиззах чўлқуварлари баланд руҳ билан меҳнат қилдилар. Комсомол ва ёшларнинг қўли билан ўн миллион сўмлик маҳсулот тайёрланди. Ишлаб топилган маблағ ўн биринчи беш йиллик фондига ўтказилди.

(ЎзТАГ).

• Юбилей йили меҳнат вахтаси

ЁШЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН СУМКАЛАР

Пойтахтимиз саноат корхоналари орасида кенг истеъмол буюмлари фабрикаси коллективи ҳам юбилей олди социалистик мусобақасида фаол иштирок этяпти. Қутлуғ йилда фабрика ишчилари 2 миллион 50 минг сўмлик маҳсулот тайёрлашга азму-қарор қилишган. Айни пайтда ана шу маррани эрта этиш учун фабрикада илғорлар ҳаракати кенг қулоч ёйган.

Корхонада бу йил уч хил янги маҳсулотнинг оммавий равишда ишлаб чиқарилиши таъминланди.

БУГУН

ана шундай маҳсулотларнинг бири — ёшларга мўлжалланган сумкалардан йил бошидан бери тайёрланган 20 минг донага етди. Корхона бўйича ана шундай сумкалардан яна 6 минг донаси тайёрланиб, савдо тармоқларига етказилиши мўлжалланган.

Назоратчиларнинг бош вазифалари

Бугунги кунда халқ назоратчилари фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, иш сифатини ошириш, тежамкорлик режимини кучайтириш резервларини кидириб топишда актив қатнашиб, партия XXVI съездининг қарорларини бажаришга, беш йиллик планларини рўёбга чиқаришга сезиларли ҳисса қўшмоқдалар. Ҳозир меҳнаткашларнинг коллективлари сайлаган ўн миллион киши корхоналар, колхозларда, ташкилотлар ва муассасаларда халқ контроли группалари ҳамда постларининг аъзоларидир.

Москвада бўлиб ўтган халқ контролёрларининг Бутуниттифоқ кенгаши назоратчилар фаолиятини янада такомиллаштиришга бағишланди. Унда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. У. Черненко иштирок этди ва нутқ сўзлади. Кенгашда Тошкент шаҳрининг вакиллари, Ўзбекистон пойтахтининг энг яхши халқ назоратчилари ҳам иштирок этдилар. Бугун улар газетамиз саҳифасида мамлакатимиз халқ назоратчиларининг анжуманидан олган таассуротларини ўртоқлашмоқдалар.

И. ОРИПОВ,
Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Тошкент шаҳар қурилиш Бош бошқармаси 1-уйсозлик комбинати бетончилар бригадаси бошлиғи, халқ контроли бош группасининг раиси.

— Халқ назоратчиларининг Бутуниттифоқ кенгаши бу партиямизнинг халқ назоратчилари тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилаётганлиги, унга катта ишонч билдираётганлиги, жамиятимиз ҳаётида унинг ролини ошираётганлиги намунасидир. Константин Устинович Черненконинг ёрқин, илҳомбахш нутқида назоратчиларнинг фаолиятига юксак баҳо берилди ва келгусида уларнинг ишини яхшилаш бўйича актуал вазифалар қўйилди. Ана шу вазифалардан келиб чиққан ҳолда бизнинг уйсозлик комбинатимиз назоратчилари ҳам талабчанликни оширдилар. 1-уйсозлик комбинати халқ назоратчилари постлари ва группаларида 240 нафар киши ишламоқда. Улардан 105 киши КПСС, 75 киши эса комсомол аъзоларидир. Бу албатта катта куч.

Биз ўз текширишларимизда мутахассислар, ишлаб чиқариш новаторлари билимларидан кенг фойдаланамиз, уларнинг ёрдамида иш аҳволини таҳлил этамиз ва мавжуд камчиликларни бартараф этиш учун аниқ тавсияларни киритамиз. Афсуски, бундай нуқсонлар учраб туради. Масалан, шу йил топширилаётган объектларнинг сифати бўйича ўтказилган рейдлар шуни кўрсатдики, ҳали турли хил материалларни, хом ашё, электр энергиясини тежаш бўйича кўпгина резервлар бор экан. Уларни ишга тушириш учун катта маблағ керак эмас. Ҳатто ишлаб чиқаришни қайта қуришнинг ҳам зарурати йўқ. Бунинг учун хисоб-китоб ишларида тартиб ўрнатиш, лавозимли шахслардан ҳужасизликка қарши курашни қатъий талаб этишнинг ўзи етарлидир.

1-уйсозлик комбинати халқ группаси партия ташкилотига кўпгина ишлаб чиқариш масалаларини ҳал этишда яқиндан ёрдам беряпти. Тўғри, ҳали уйсозлик комбинати халқ назоратчиларининг ишида камчиликлар ҳам бор. Ўйлайманки, бўлиб ўтган бу кенгаш назоратчиларнинг иш фаолиятини янада активлаштиришга, қурувчилар фаолиятида хўжасизлик кўринишларига йўл қўймаслик учун талабчанликни оширишга ёрдам беради.

К. ИВАНОВ,
катта инженер, В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси халқ контроли группаси раиси.

— Партиямизнинг доимий диққат-эътиборида турган халқ контроли бугунги кунда қонунчилик ва интизомни мустаҳкамлаш ишида катта давлат ва жамоатчилик кучига айланди, совет сиёсий системасининг муҳим звеноси бўлиб қолди. Халқ контролёрларининг Бутуниттифоқ кенгаши КПСС XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари белгилаб берган вазифаларни бажариш учун курашда янги вазифаларни қўйди.

«Энг муҳими, нуқсонларни ўз вақтида пайқаб олишдан иборат, — деб таъкидлади К. У. Черненко кенгашда. — Нуқсонларнинг, суиистеъмол қилишнинг сабабларини жуда синчиклаб ўрганишга асосий эътиборни қаратиш керак».

Халқ контроли комитети, тошкентлик самолётсозларнинг кўпгина халқ контроли группа ва постлари фаолияти коллектив олдидаги вазифаларни бажаришга ижобий таъсир кўрсатмоқда, уларнинг фаолияти ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга қаратилмоқда. Корхона халқ назоратчилари асбоб-ускуналардан, материал ресурслардан унумли фойдаланишга, план ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлашга, хўжасизлик кўринишларига, социалистик мулкни талон-тарож қилиш ҳолларига барҳам беришга яқиндан ёрдам кўрсатмоқдалар.

Бизда 10-цех назоратчилари (группа раиси Л. Парфенов), 25-цех (раиси Н. Ведяшев), 97-цех (раиси Г. Артеменко) ва бошқа кўплаб бирлашма халқ контроли группалари ўзларининг ишбилармонликлари, энг яхши сифатлари билан бошқаларга намуна бўлмоқдалар.

БИЗ ҲАММАМИЗ—ПАХТАКОРМИЗ



ПАХТАЗОРДАН ДАРАКЛАР
№7

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ газеталари, Ўзбекистон ЛКСМ Тошкент шаҳар комитети ва «Главташпассавтотранс» бошқармасининг оталиқдаги областлар пахта далаларидаги матбуот маркази.

Махсус мухбирларимиз А. Хатамов, Т. Каримов, М. Юнусовлар хабар киладилар.



Жасорат кўрсатамиз

Фоторепортаж



Пахта ҳақида ғамхўрлик қилиш, етиштирилган ҳосилни ўз вақтида нобуд қилмасдан йиғиштириб олишда Ўзбекистон пойтахтининг меҳнаткашлари деҳқонларга яқиндан ёрдам беришмоқда. Бу ишдан қочадиганлар йўқ. Ҳар ким умумхалқ ишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшишга ҳаракат қиляпти.

Шу кунларда Киров районидаги 17 та ташкилотнинг 400 дан ортиқ ишчи-хизматчилари Сирдарё областининг Меҳнатобод районидаги Юнусов номли совхоз чўлқуварларига яқиндан ёрдам беришмоқда. Ҳашарчиларнинг юздан ортиғи С. В. Стародубцев номли илмий-тадқиқот институтида меҳнат қилишади. Айни кунларда ҳашарчилар социалистик мусобақада байроқдорлик қилишмоқда. Уларнинг ортидан шаҳар ободончилик бошқармаси ва Ботаника боғининг ҳашарчилари боришмоқда. Илғорлар ҳар куни эл хирмонига 80—100 килограммга етказиб «оқ олтин» тўкишяпти.

Киров район партия комитети ва ташкилотларда ташкил этилган пахта штаблари ҳар кунги қилинган ишларга якун ясаб, бу борадаги камчиликларни зудлик билан тугатиб бормоқда. Штаб аъзолари ҳашарга отланганларни иссиқ кийим-кечак билан таъминлаб, уларнинг турмуш шароити ва дам олишини яхши уюштириш чораларини кўришяпти. Социалистик мусобақанинг оммавий ва ошкоравий бўлишига алоҳида эътибор берилмоқда. Мусобақа якунлари ўз вақтида кўрсатиб бориляпти.

Кун сайин йиғим-терим ишлари қизғин тус олмоқда. Бу борада деҳқон ҳам, пахтакорга ёрдамга келган ҳашарчилар ҳам зарбдорларча меҳнат қилишяпти. Бугун уларнинг олдида турган вазифа республикамизнинг улкан хирмонини тезроқ яратиб, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигига муносиб совға ҳозирлашдан иборатдир.

СУРАТЛАРДА: С. В. Стародубцев номли илмий-тадқиқот институти ходимлари пахта йиғим-теримида.

«ОҚ ОЛТИН»—ВАТАНГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 6 октябргача бўлган маълумот.

(Планга нисбатан процент ҳисобида).

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — шу кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — давсум бошидан буён.

Фарғона	2,48	60,19
Тошкент	3,49	56,88
Андижон	2,52	53,64
Наманган	3,01	49,60
Сурхондарё	2,55	46,22
Бухоро	1,51	38,41
Хоразм	2,78	38,19
Самарқанд	2,48	35,77
Навоий	1,60	30,63
Сирдарё	3,92	26,14
ҚҚАССР	2,43	26,01
Жиззах	2,67	25,19
Қашқадарё	1,29	24,78
Республика бўйича	2,51	40,39





ИШЧИНИНГ ҚАЛБ СЎЗЛАРИ

ПАХТАКОР, СИЗГА МАДАДКОРМИЗ

«Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи мана иигирма йилдан ошдики, пахтакорларга кўпгина муваффақият билан хизмат кўрсатиб келмоқда. Ўтган йиллар мобайнида бирлашма инженер-техникларининг пахтакорлар билан ҳамкорликда олиб бораётган самарали изланишлари туфайли бу машина анча такомиллашди.

Бирлашманинг ана шу машиналар йиғиладиган бешинчи механика-йиғув цехида бўлганимизда қизғин меҳнатнинг гувоҳи бўлдик.

— Бундан етти йил муқаддам машина йиғув, синаш ва топшириш участкаларини бирлаштириб, комплекс бригада ташкил этганлигимиз бежиз эмас, — дейди цех бошлиғи Владимир Ходаренко. — Комплекс бригада ўз афзаллигини биринчи ойдаёқ амалда исботлади.

Бригадага коммунист Гарифулла Ильязов етакчилик қилиб келмоқда.

Гарифулла Ильязов билан учрашганимизда, цех бошлиғи унинг шаънига айтган илиқ гаплар ҳақиқатан ҳам тўғри эканлигига ишонч ҳосил қилдик. У ўз бригадаси ҳақида тўлиб-тошиб сўзлади:

— Бригадамиз аъзолари 56 нафар бўлиб, уч звенога бўлиниб меҳнат қилишади. Звеноларо социалистик мусобақанинг яхши йўлга қўйилганлиги план-топшириқларни ўз вақтида ортиғи билан адо этишимизда асосий омил бўлмоқда. Йил бошидан буён пахтакорларимизга 2200 дан ортиқ агрегат етказиб бердик. Йил охригача пландан ташқари 100 та машина йиғиб бериш учун ҳаракат қиляпмиз. Ҳозир пландан ташқари 50 та машинани йиғишга улгурдик.

Бригадамизда Ленин ордени кавалери Жамил Раҳимов, учинчи даражали Меҳнат Шуҳрати ордени иншондори Шойзоқ Ражабов, комсомол-ёшлардан Асқад Вилданов, Ҳалим Каримов, Петр Шулкин сингари олов қалб йиғувчи-слесарларимиз борки, уларнинг жонқуярлиги туфайли зиммамизга олган мажбуриятимизни ортиғи билан адо этишга ишонамиз.

А. ПАРДАЕВ,
«Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг мастери.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

«СОЮЗМАШХЛОПКОВОДСТВО» БУТУНИТТИФОҚ САНОАТ БИРЛАШМАСИ «ТЕХНОЛОГ» ИЛМИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Пахтачилик комплекси машиналарини ишлаб чиқариш учун механизациялаштириш ва автоматлаштириш юксак унумли воситаларини яратиш ва жорий этишга, республика қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналарини янги техника билан таъминлашга катта ҳисса қўшганликлари ҳамда жамоат ҳаётида фаол иштирок этганликлари учун Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Фармонига биноан «Союзмашхлопководство» Бутуниттифоқ саноат бирлашмаси «Технолог» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси бўлим бошлиғининг ўринбосари ўртоқ Ҳусниддин Нуриддинович **Каримовга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган саноат ходими»**; шу бирлашма бош директорининг ўринбосари ўртоқ Михаил Александрович **Базановга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган инженер»** фахрий унвонлари берилди.

Бирлашма ходимларидан бир группаси Ўзбекистон ССР Олий Советининг Президиуми Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Пахтачилик комплекси машиналарини ишлаб чиқариш учун механизациялаштириш ва автоматлаштириш юксак унумли воситаларини яратиш ва жорий этишга, республика қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналарини янги техника билан таъминлашга катта ҳисса қўшганликлари ҳамда жамоат ҳаётида фаол иштирок этганликлари учун Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Фармонига биноан «Союзмашхлопководство» Бутуниттифоқ саноат бирлашмаси «Технолог» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси бўлим бошлиғининг ўринбосари ўртоқ Ҳусниддин Нуриддинович **Каримовга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган саноат ходими»**; шу бирлашма бош директорининг ўринбосари ўртоқ Михаил Александрович **Базановга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган инженер»** фахрий унвонлари берилди.

Бирлашма ходимларидан бир группаси Ўзбекистон ССР Олий Советининг Президиуми Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

ПЕДАГОГЛАРГА БАҒИШЛАНАДИ


Республиканинг шаҳар ва қишлоқларида ўқитувчилар кунига бағишланган йиғилишлар ўтказилмоқда. Йиғилишларнинг қатнашчилари илғор педагогларни шарафламоқдалар, республикада халқ маорифи гуркираб ривожланганлиги ленинча миллий сиёсат тантанасининг ёрқин далили эканлигини фахр билан қайд этмоқдалар.

5 октябрь куни Тошкентда тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Олимлар, педагоглар, шаҳар меҳнат коллективларининг вакиллари ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашда ўқитувчиларнинг катта роли тўғрисида, уларнинг умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишдан келиб чиқадиган вазифалари ҳақида гапирдилар. Ўзбекистон ССР маориф министри О. С. Аббосова доклад қилди.

• *Янгилик! Хабарингиз борми?*

Ленинград кўчаси, 32-уй...

СПРАВКА УЧУН: унчалик катта бўлмаган иш кустар шаҳар босмахонаси базасида кудга келган республика полиграфияси — бекистон Компартияси Марказий Комитеинг нашриёти ва босмахонаси ташкил лганига 60 йилдан ошди. 1934 йилдаёқ смахонада умумий тиражи 200 минг нусдан иборат етти ўлка газеталари босиларди. Бугунги кунда ихтисослашган газета-журнал



корхонаси 40 га яқин марказий, республика, область ва шаҳар газеталарини чоп этмоқда. Уларнинг умумий тиражи 6 миллион нусхадан ошади. Бу ерда Ўрта Осиёда биринчи бўлиб марказий газеталарни алоқа каналлари орқали қабул қилиш пункти ишга туширилди. У тошкентликларнинг марказий газеталарни эрта тонгданоқ олиб ўқишларига шароит яратди.

Бундан роса ўн йил муқаддам СССР Конституцияси куни арафасида газета редакциясининг коллективлари Ленин кўчасидаги 16 қаватли кўтарган редакция-нашриёт биносига кўчиб ўтган эдилар.

1962—1984 йиллар ичида газеталарни ҳам офсет усулида чоп этиш имконини берадиган ноёб газета комплекси ишга туширилди. Энг замонавий технология воситалари билан жиҳозланган газета комплекси газета материалларини нашрга тайёрловчи ҳарф териш цехи, босмахона корпусида ўз ичига олади. Бу бинода республика, Тошкент область ва шаҳар газеталарининг редакциялари жойлашди. Бугун СССР Конституцияси куни арафасида «Оқшом» редакциялари ҳам ана шу янги бинога кўчиб ўтди.

Янги газета комплекси қурилишини Тошкент қурилиш Бош бошқармасининг 11-«Висотстрой» трестига қарашли бош пудратчи 1- ва 17-қурилиш бошқармалари, ёрдамчи пудратчи ташкилотлар— Пардозлаш трестининг 28-қурилиш бошқармаси, 2-Пардозлаш трестининг 48-қурилиш бошқармаси, «Ташсантехгазмонтаж» трестининг 1-монтаж бошқармаси, «Таштрансспецстрой» трестининг 42-қурилиш бошқармаси, «Ўзэлектромонтаж» трестининг Тошкентдаги 2-монтаж бошқармаси, «Промвентиляц и я», «Энергомонтаж» бошқармалари ва бошқа бунёдкорлик коллективлари амалга оширдилар.

Бинонинг биринчи қаватида хизмат кўрсатиш группалари ва фотолабораториялар ўрин олади. Иккинчи қаватда эса «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари редакцияси ва нашриётнинг эълонлар бўлими жойлашди. Учинчи қаватда эса «Совет Ўзбекистони» ва «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газета редакциялари, тўртинчи қаватда «Правда Востока», «Ўқитувчилар газетаси» — «Учитель Узбекистана», бешинчи қаватда «Қишлоқ ҳақиқати» — «Сельская Правда» ва «Ёш ленинчи» газеталари, олтинчи қаватда «Ленин байроғи», «Комсомолец Узбекистана», «Ҳақиқати Ўзбекистон», еттинчи қаватда «Тошкент ҳақиқати», «Ташкентская Правда», «Ленин учқуни» ва «Пионер Востока» газеталарининг редакциялари коллективлари иш олиб бормоқда.

Бир неча-кундузда ўн миллион нусхадан кўпроқ газеталарни чиқаришга мўлжалланган мамлакатда энг йирик ҳисобланган газета комплекслари бири ишга туширилди.

Бу комплекс хўжалик ва маданий-маиший хизмат объектларини, кучли совутиш мосламалари, кондиционерлар ва бошқа технология воситаларини ўз ичига олади. Газеталарни чоп этиш ва ҳарф териш цехлари редакциялар билан пневмопочта системаси орқали боғланган.

Газеталар ишлаб чиқариши учун замонавий полиграфия базасининг вужудга келганлиги газеталарнинг полиграфик сифатини яхшилаш ва ишлаб чиқариш муддатларини қисқартириш имконини беради. Демак, улар республика шаҳар ва қишлоқлардаги газетхонларга янада тез етказиб берилади.

Шундай қилиб, «Оқшом» редакциялари янги бинода иш олиб бормоқда. Энди муҳтарам газетхонлар бизга йўллаган мактубларингизни қуйидаги адрес бўйича кутамиз: 700047, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32. «Тошкент оқшоми»га.

ЖАҲОН ШАХМАТ ТОЖИ УЧУН

* * *

МОСКВА. А. Карпов—Г. Каспаров матчининг кечиктирилган тўққизинчи партияси жаҳон чемпионининг ғалабаси билан тугади. Шундай қилиб матчда А. Карпов 4:0 ҳисобида пешқадамлик қиляпти.

ВОЛГОГРАД. Бу ерда ўтаётган М. Чибурданидзе — И. Левитина матчининг тўққизинчи партияси жаҳон чемпионининг ғалабаси билан тугаганидан сўнг матчда ҳисоб тенглашди —4,5: 4,5.



КУЧЛИЛАР БИЛАН БАҲСЛАШИБ

Пойтахтимиздаги «Динамо» стадиони теннис кортларида якка разрядларда теннис бўйича СССР шахсий чемпионатининг саралаш мусобақалари давом этмоқда. Майдон эгаларининг муваффақияти мағлубиятлар билан алмашиб турибди. Тошкентлик ёш теннисчи Елена Киберева мамлакатимизнинг кучли теннисчилари билан муваффақиятли кураш олиб бораяпти. Унинг активида чиройли ғалабалар ҳам бор. Тажрибали Наталья Степанова ва Светлана Юрченко эса мағлубиятдан кутила олмадилар.

Эркаклар командамизда ҳозирча Юрий Богатирев яхши натижа кўрсатмоқда.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ:
ҲИСОБОТ ВА САЙЛОВЛАР

ИНТИЗОМ ВА ТАРТИБ МУСТАҲКАМЛАНСИН

Қурилиш материалларини лойиҳалаш илмий-тадқиқот институти коммунистлари ўзларининг ҳисобот-сайлов йиғилишларида кўпгина кескин, амалий проблемаларни ўртага ташладилар. Улар ҳисобот даврида-ги коллектив ишини таҳлил этиб, кўпгина жиддий нуқсонларни очиб ташладилар. Хўш, бу нуқсонлар нималардан иборат? 1983 йил лойиҳа ишлари плани бажарилмади. Асосий лойиҳа бўлинмалари саккиз ойлик планни бор-йўғи 90,6 процент бажарди. Товар маҳсулоти плани бажарилмаяпти. Институтнинг коммунист-раҳбарл а р и 1984 йил лойиҳа-смета ишлари планини тузишда жиддий нуқсонларга йўл қўйганлар. Натижада тематик иш планида ишларнинг асосий ҳиссаси қурилаётган объектлар учун сметани қайта ҳисоблаб чиқишдан иборат бўлиб қолган. Бу эса сунъий равишда смета бўлими иш ҳажмининг ошиб кетишига ва асосий лойиҳа бўлинмаларини юкини енгиллаштиришга олиб келган. Бу — план бажарилмаслигининг бош сабабидир. Шунингдек, у техник-иқтисодий кўрсаткичларнинг кескин пасайишига, меҳнат унумдорлигининг камайишига ҳам олиб келди.

Планлаштиришдаги бу ярамас практика кенг ҳажмли блокли уйсозлик, 2-йирик панелли уйсозлик, 5-йирик панелли уйсозлик комбинатлари сингари халқ хўжалиги аҳамиятига эга бўлган бир қатор объектлар қурилиши ва реконструкциясининг графигини барбод қилди. 4-уйсозлик комбинатининг қувватини ошириш сусткашлик билан бормоқда. Бу эса йирик панелли турар жой қурилиши суръатларини анча пасайтирмоқда.

Бироқ, партия бюроси, бошланғич партия ташкилотининг секретари А. И. Ушаков ҳисобот докладида холисона тан олганидек, институт фаолиятидаги бу жиддий нуқсонни кўра-била туриб, муроса қилиб келган. Самарасиз лойиҳа ечимларига нисбатан, иқтисод режимини кучайтириш учун тегишлича чоралар кўрмади, план, давлат интизомини бузишларга чек қўя олмади.

Бу масалалар партия бюроси мажлисларида бир неча бор муҳокама этилган бўлса-да коллектив ўртасида ташкилотчилик, сиёсий-тарбиявий ишларни яхшилашга қаратилган тадбирлар тузилмади. Институт хўжалик фаолиятига партиявий таъсирни кучайтиришга қаратилган чоралар кўрилмади.

— Мен институтда ишлаётганимга 22 йил бўлди. Деярли ҳар йили институт жамоат ҳаётида иштирок этаман. Менга ишонч билдириб, партия бюроси ёки касаба союз комитети аъзолигига сайлашади, — деди ўз сўзида институт жорий этиш бўлимининг мудири П. М. Филиппов. — Бу йил мени партия бюросининг маъмурият фаолиятини назорат қилиш бўйича комиссиясига аъзо қилиб сайлашди. Табиийки, менда кўплигина таассуротлар ва таққослаш пайдо бўлди. Олдинроқ айтиб қўяй, мен уни бугунги йиғилишимизга атайин тўплаб келганим йўқ. Балки уни мунтазам равишда партия бюроси мажлисларида, девория газетада, йиғилишлар ва кенгашларда айтиб келганман. Лекин сариқ чақалик нафи бўлмади. Нега шундай бўлди? Чунки назорат ва талабчанлик сусайиб кетган. Бизнинг фан тараққиётига, қурилиш индустриясига қўшаётган ҳиссамиз оз эмаски, ахир. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ К. У. Черненконинг берган йўл-йўриқлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарори бизни ишларни силлиқ қилиб кўрсатишга, хотиржамликка эмас, балки нуқсонларни жиддий таҳлил этиш, танқид ва ўз-ўзини танқид қилишга даъват этмоқда. Партия бюроси, тўғрисини айтганда, мавжуд рўй берган аҳволни чуқур таҳлил эта олмади. План бажарилмаслигининг сабабларини эса таҳлил этмади. Масалан, партия бюроси коммунистлардан Э. Аллахвердов ва Гладштейнга планишлаб чиқариш бўлимининг қониқарсиз ишлаётганқ сабабларини таҳлил этишни топширди. Бироқ, улар бу топшириқни бажармадилар. Бўлим эса ҳамон ёмон ишламоқда, планлаштиришда аниқликка эриша олмаётир. Хуллас, уларнинг ишлари ўлда-жўлда. Бу эса ялпи маҳсулот, товар маҳсулоти планларининг бажарилмай қолишига, лойиҳа-смета ҳужжатларининг сифати кескин ёмонлашувига сабаб бўлмоқда.

Ҳисобот давридаги фаолиятни таҳлил этиб, йиғилишда сўзга чиққан коммунистлар шуни таъкидлашдики, институт коммунистраҳбарлари — директори С. И. Иброҳимов ва бош инженери И. А. Борминскийлар н и н г топширилган иш учун кадрларга бўлган масъулиятни пасайтириб юборганликлари ишларнинг шундай ёмонлашувига олиб келди. Партия бюроси кадрларни танлаш, жойжойига қўйиш ва тарбиялаш масаласига етарлича эътибор бермади. Бу ерда 14 та бўлимдан фақат учтасига коммунистлар бошчилик қилишяпти, холос. Кейинги тўққиз йил ичида ўнта директор ўринбосари алмашди. Айрим раҳбарларни ҳадеб алмаштиришдек ярамас практика илдиз отган. Ўз вазифасини виждонан бажармаслик ҳоллари мавжуд.

— Бизнинг группамиз ҳозир жудаям оғир аҳволда, — деди ўз сўзида жорий этиш бўлимининг бригада раҳбари М. Абдуллаева. — Чунки унинг собиқ раҳбари В. Н. Большаков ўзига бириктилган заводлар бўйича бирон марта ҳам ҳисобот бермасдан бўшаб кетди. Қизиғи шундаки, у ўз ихтиёри билан бўшаб кетди. Натижада 71,5 минг сўмлик бешта объект ўлда-жўлда қолиб кетди. Ўйлаймизки, бу ишёқмаснинг уч йилгача иш ҳақини «еб ётгани»га раҳбарлар айбдордир.

Бўлим бошлиқларининг, етакчи мутахассисларнинг ижодий ҳисоботларини партия бюроси мажлисларида, йиғилишларда тез-тез муҳокама қилиб туриш зарурлиги ҳақидаги фикр барча нотиқларнинг сўзларида баралла янгради. Коммунистлардан У. Мирахмедов, С. Фроловлар таъкидлашганидек, бу — ишларни активлаштиришга ёрдам беради.


Қурилиш бўлимининг бош мутахассиси В. М. Жилцов ўз сўзида ижрочилик ва меҳнат интизоми пастлиги тўғрисидаги масалани илгари сурди.

— Партия очиқ йиғилишларида биз учинчи ва тўртинчи квартал планларини бажармаган бўлимларнинг ишини муҳокама қилмаганимиз чакки бўлган, — деди у. — Бизнинг қурилиш бўлимимиз ҳам планни уддалай олмади. Ҳолбуки, у институтдаги катта бўлимлардан биридир. Бу йил барча коммунистлар партбюро ишига ҳам, ўзларига нисбатан ҳам талабчанликни кескин пасайтириб юбордилар.

Бу эса мана бугун ҳисобот-сайлов йиғилишида тилга олинган нуқсонларнинг келиб чиқишига сабаб бўлди. Мен халқ контроли группаси комиссиясининг аъзоси сифатида ҳужжатларни расмийлаштириш ва тайёрлаш бўлимини текширишда қатнашдим. Шу бўлимнинг бошлиғи, коммунист Р. У. Исматуллаев комиссиямизнинг текширишига йўл қўймади. Институт директори С. И. Иброҳимов эса уни маъқуллади. Бир амаллаб ўтказган текширишимиз якунлари эса қоғозда қолиб кетди. Чунки бу ҳужжатларни бизга кўрсатишмагани учун биз уларни фактлар асосида «михлаб» қўя олмадик.

Коммунистлар йиғилишда иш вақтини йўқотишлар тўғрисидаги масалани кескин қўйишди. Биринчи ярим йилликда салкам 10 минг киши-куни йўқотган. Маъмурият фаолиятини назорат қилиш комиссияси ишлаб чиқариш бўлимларининг ишини яхшилаш, илмий ишларни ишлаб чиқаришга жорий этишни жадаллаштириш, илмий ишлар самарадорлигини ошириш масалаларида ўз имкониятларидан етарлича фойдаланмади.

Докладчи ва музокарада сўзга чиққанлар шуни таъкидлашдилар. Институт коллективи бир неча йил давомида ўзининг ишлаб чиқариш базасини мустаҳкамлашга, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, ишчиларнинг моддий ва маданий турмушини яхшилашга жуда кам эътибор берди. Ҳозирги кунда институт коллективи ана шу камчиликларни тезда бартараф этиш, ишларни ҳақиқий илмий-техника тараққиёти талаблари даражасига кўтариш учун курашмоқда.



Тошкентдаги тажриба ремонт-механика заводининг илғор ишчиси Александр Безручкин кўп йиллардан бери фидокорона меҳнат қилиб келади. У тайёрлаётган деталлар 35 чет давлатларига юборилади. Моҳир ишчи айни кунларда 1986 йил ҳисобига меҳнат қилиб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатли бўлишига алоҳида эътибор бермоқда.

СУРАТДА: тажрибали меҳнат зарбдори Александр Безручкин.

В. Сироткин фотоси.

ТАШАББУС САМАРАСИ

СССР 50 йиллиги номидаги «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг станокчиси коммунист Вера Марковна Харитонова ўз мажбуриятини уддаладди. У СССР Конституцияси кунини муносиб кутиб олиш учун мусобақалашиб, шонли сана арафасида йиллик топшириқни бажарди.

В. Харитонова шу йил бошларидаёқ бажариладиган ишларни қўшиб олиб бориш ҳисобига меҳнат унумдорлигини ўн процент оширишга қарор берган эди. У бир вақтнинг ўзида иккита пармалаш станогида меҳнат қила бошлади. Унинг таклифига биноан ана шу станокларга пневматик қисқичлар ўрнатилди, шу туфайли трактор деталларига ишлов бериш жараёни анча тезлашди. Созловчи Муҳаммаджон Туробов, токарлардан Лира Тубинина ва Валентина Бабешко ҳамда бошқа ишчилар Вера Макаровнадан ўрнак олиб, хизмат зонасини кенгайтирдилар ва шунинг ҳисобига меҳнат унумдорлигини оширдилар. Тракторсозлар графикдан ўзиб, тайёрланган деталларнинг комплектларидан СССР Конституцияси куни арафасида пландан ташқари 70 та трактор, 51 та прицеп ва кўп миқдорда запас қисмлар ишлаб чиқардилар.

(ЎзТАГ).

ЗАМОНАВИЙ МОДЕЛДА

БУГУН

шаҳримиздаги «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективининг йил бошидан бери сунъий чармдан тайёрлаган эркаклар плаш-пальтолари 22 минг донадан ошиб кетди. Ана шу миқдорнинг 3 минг донаси сентябрь ойида тайёрланди. Ҳозирги кунда ушбу замонавий кўримли плаш-пальтолар пойтахтнинг ЦУМ ва ГУМ магазинларида, кийимкечак дўконларида пешма-пеш савдога чиқарилмоқда.

Узбекистон ССР ва Узбекистон Компартиясининг 60 йиллик юбилейи йилида бирлашма фидокорлари 95 миллион 755 минг сўмлик сифатли маҳсулот тайёрлашади.

ШЕЪРИЙ ЛУҚМА

Сартарошга соч олдирдим...

✦ Шаҳримиздаги кўпгина сартарошхоналарда болаларнинг сочини олишмайди. Чунки хизмат ҳақи арзон эмиш. Шу йил 30 август куни Куйбишев районидаги Шастри номли кўчада жойлашган сартарошхона усталари болаларимга хизмат кўрсатишдан бош тортишди.

✦ Сартарошлар мўйсафидларнинг соқолини олишни ҳам унча хушламайди. Сабаби «соқол қиртишлаб планни тўлдириб бўлмас» эмиш.

Уларга соч ўсиб елкасига тушган, ҳам ювдириб, ҳам қуритиб, ҳам таратиб, устанинг чўнтагини йўратиб кетадиган олифта йигитчалар ёқади.

(К. Маликова ва М. Имомовларнинг редакцияга йўллаган хатларидан).

Сартарошга соч олдирдим...
Лекин қиммат тушди сабил.
Пул тўлаб ўйланиб қолдим:
Сочми мен ё ТОЖ олдирдим?
Кўнгил чўкиб, чўнтак вайрон
Уйга келсам, хотин ҳайрон:
Вой, адаси бўйнингиз соч.
Вой, адаси қўйнингиз соч.
Жаҳлим чиқиб ўшқирдим: — Қоч,
Мен соч эмас—олдирдим Тож!
Йўқса хуноб бўлармидим,
Йўқса шунча тўлармидим?..
Сартарошнинг кафти пахта.
Лекин ўзи қаттиқ тошдан.
Бир сўм олар алқаб-мақтаб,
Дўппи суриб қўйса бошдан.
Сартарошнинг тили ширин.
Авраб топган пули ширин.
Савлат оппоқ, халат оппоқ
Лекин инсоф ўлгур чатоқ...
Эслатсангиз олар малол:
«Осонмас, дер бизга ах-хир».
Бир у ҳақдир, бир у ҳалол
Қандингни ур, парикмахер!

Муҳаммад ЮСУФ.



Хотин: — Ким у?

Эр: — Не, танимай қолдингми, мен эрингманку, фақат сартарошхонадан соч-соқолимни олдириб қайтдим, холос.

Ё. Одилов чизган расм.

ШЕЪРИЙ ЛУҚМАГА МАВЗУЛАР

Энгельс номли кўча муюлишида (Олой бозори) чамадон, сумка ва зонтикларни ремонт қиладиган устахона жойлашган. Жуда керакли устахона, нима дедингиз? Бу ерда буюмларни Сандоров деган уста қабул қилиб олади. Ўзиям устамисан-уста, хизмат ҳақини қанча истаса шунча олади, ҳеч қандай, квитанция ёзиш йўқ. Масалан, менинг чамадонимнинг йиртиқ жойини бир зумда тикиб берибди, 6 сўм олди.

Устахонада прейскурант ёки шунга ўхшаш ҳеч нарса йўқ. Бундан кейин ҳам бўлмайди. Чунки, усталар анойи эмас.

***

Бундан бир неча йил аввал саноат моллари дўконларида кўрпали сатин ва гулли читлар бемалол сотилар эди. Ҳозирда эса бу газламалар дўконларни бутунлай тарк этишган. Гулли чит ва сатин қидириб юрганларнинг эса саноғи йўқ.

Бу газламалар савдо базаларида бормикин? Бўлса нега дўконларнинг пештахталарига чиқарилмайди? Ёки шеърий луқмани кутиб турибдимикин? (Шеърий луқмага мавзуларни редакцияга газетхонлар П. Капранов, Р. Собировлар йўллашган).

Ҳурматли оқшомхонлар! Сиздан шеърий луқмалар кутамиз. Унга мавзулар эса бир талай. Калондимоғ сантехниклар, ваъдабоз слесарлар шеърий луқмаларнинг ҳақиқий «қаҳрамонлари» бўла олади.

● ХАТ БОСИЛМАДИ, АММО ЧОРА КЎРИЛДИ

Бино ремонт қилинади

Ҳ. Абдуллаев номли маҳаллада яшовчилардан тушган коллектив хатда шу ердаги чойхонада тартиб ўрнатиш сўралган эди. Хат текшириш ва чора кўриш учун Акмал Икромов район Совети ижроия комитетига юборилган эди. Район ижроия комитети раисининг ўринбосари Г. Медников имзоси билан қуйидаги жавоб олинди:

Маҳалла аҳолиси хатида кўтарилган масала ўша жойга бориб ўрганилди, маҳалла комитети аъзолари билан суҳбатлашилди. Ҳашар йўли билан қурилган чойхона эндиликда маҳалла комитети ва район ижроия комитетининг қарори билан район маданият бўлимига берилди. Бу ерда Абдулла Қаҳҳор номидаги маданият уйининг филиалини жойлаштириш кўзда тутиляпти. Бинони капитал ремонт қилиш учун лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланди.

2 ТОШКЕНТ БЕТ. ОҚШОМИ

8 ОКТЯБРЬ. 1984 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»ДА БОСИЛГАНДАН КЕЙИН

«Тўхтамасдан ўтади»

Газетанинг шу йил 22 май сонида юқоридаги сарлавҳа остида босилган материалда 26-маршрутдаги автобус ҳайдовчилари айрим бекатларда тўхтамай ўтиб кетишлари танқид қилинган эди.

Тошкент шаҳар пассажир автотранспорти ишлаб чиқариш Бош бошқармасидан олинган жавобда айтилишича, мақола Бош бошқармада кўриб чиқилган. Унда баён этилган фактлар тасдиқланди. Бундай ҳодисаларнинг олдини олиш учун 2-автопаркда 26-маршрут ҳайдовчилари йиғилиши ўтказилди. Шунингдек, автобуслар-нинг бекатларда тўхтаб ўтиш ва пассажирларга хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш юзасидан инструктаж ўтказилди. 2-автопарк эксплуатация бўлими зиммасига автобуслар ишини назорат этиш юкланди.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

Жаллод «ҳуқуқ ҳимоячиси» ролида

ШАРҲЧИ САТРЛАРИ

Шу йил июнь ойида яна ҳокимият тепасига келган Сальвадор ҳукмрон режимининг бошлиғи Лотин Америкасидаги бир қанча мамлакатларда сафарда бўлди. Сальвадорда одамларни ваҳшиёна қирғин қилиш сиёсатининг асосий айбдорларидан бири бўлган Дуарте нима учун бундай сафар қилди? Маълумки, ўн минглаб граждан-лар ана шу сиёсатнинг қурбони бўлдилар.

Сальвадор меҳнаткашларининг асосий жаллодларидан бири Дуарте ўз мамлакатида ҳам, ундан ташқарида ҳам, аллақачоноқ бадном бўлган. Америкалик хомийлар ва Сальвадор режими хўжайинларининг мадади билан иккинчи марта ҳокимият тепасига чиқиб олган бу қонхўр эндиликда уларнинг айтганини бажариб, қилган жиноятларининг изини бостириш ва ўзини «халқ оммаси фаровонлигини кўзлаётган», «Демократ» ва «тинчликсевар» қилиб кўрсатишга уринмоқда. Ҳатто Вашингтондагилар ҳам ўзларининг сальвадорлик қўғирчоғини «инсон ҳуқуқларининг актив жарчиси» деб кўрсатмоқчи бўлмоқдалар. АҚШ Давлат секретари Ж. Шульц бу ҳақда жуда кўп гап сотмоқда. Энди эса Рейган маъмуриятининг олий мартабали амалдорлари гўё Сальвадорда инсон ҳуқуқлари масаласи «изга тушиб бораётганлиги-ни» тўхтовсиз такрорламоқдалар.

Вашингтонга бу очиқдан-очиқ ёлғончилик Сальвадор халқига қарши чинакам уруш олиб бораётган Дуарте режимига ҳарбий ёрдам бериш учун кўпроқ маблағ ажратилишини Америка конгрессидан тасдиқлатиб олиш учун керак бўлмоқда. Дуартенинг Лотин Америкасига сафари ҳам пропаганда мақсадларини кўзлаб амалга оширилди. Вашингтон унинг зиммасига Лотин Америкасида яшовчи халқларни гўё унинг режими граждан урушини тугатиш ва демократия ўрнатиш мақсадини кўзлаётганлигига ишонтириш вазифасини қўйди.

Бироқ қорани оқ деб бўлармиди? Дуарте Лотин Америкаси бўйлаб «тинчликсеварлик» ва «демократия» тўғрисида гап сотиб юрган бир вақтда Сальвадор ҳарбийлари партизанларга қарши кураш баҳонаси остида тинч гражданларни планли равишда жисман йўқ қилиб ташлашни давом эттираверди. Дуарте ҳокимият тепасига келган вақтдан буён ўтган уч ойдан сал кўпроқ вақт мобайнидаги-на унинг режими авиацияси тинч аҳоли пунктларини қарийб 100 марта, бинобарин, амалда узлуксиз ҳар куни ваҳшиёна бомбардимон қилди. Минглаб ҳалок бўлганлар орасида болалар, хотин-қизлар, кексалар бор.

Пентагон эса айни вақтда Сальвадорга қурол-яроғ ва ҳарбий техника етказиб беришни кўпайтирмоқда.

Шу нарса мутлақо равшанки, жаллод Дуарте ва унинг ҳарбийлари Вашингтон билан бир бўлиб иш кўрмоқдалар. Венесуэлада чиқадиган нуфузли «Насионал» газетаси Сальвадордаги аҳолини қирғин қилиш сиёсатини фош этиб, энг муҳим қарорлар Вашингтонда қабул қилинаётганлиги, Дуарте эса фақат ўз ҳўжайинларининг кўрсатмаларини итоаткорлик билан бажараётганлигини таъкидлади. Бу фикрга қўшилмасдан бўлмайди, албатта.

Н. ЧИГИР,
ТАСС шарҳчиси.

АКТУАЛ ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

ХАНОЙ. Бу ерда ўтказилган кенгашда Вьетнам уездларида капитал қурилишни кенгайтириш вазифалари муҳокама қилинди. Кенгаш ишида таниқли олим ва мутахассислар, бир қанча тармоқ ва идораларнинг раҳбарлари, вилоят ва уезд-ларнинг вакиллари қатнашдилар. Улар таъкидлаб ўтганидек, уезд-ларда капитал қурилишни кенгайтириш ва сифатини ошириш — республикада замонавий агросаноат структурасини шакллантириш борасидаги кампаниянинг таркибий қисмидир. Вьетнам Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ВСР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари То Хиу Вьетнам Компартияси ва давлатининг социал иқтисодий стратегиясида уезд-ларга асосий ўринларнинг бири ажратиб берилади, деб таъкидлади. У партия ташкилотлари ва халқ ҳокимияти органлари жойларда капитал қурилиш планларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишга раҳбарликни мустаҳкамлашлари зарур эканлигини уқтириб ўтди.



ФОТОКАЛЕЙДОСКАБ

Уничалик катта бўлмаган Штребек жамоасининг ҳақли равишда ГДРнинг «шахмат пойтахти» деб атаса бўлади. Жамоанинг 1300 аҳолисидан 1000 нафари ана шу кўҳна ўйин билан таниш, деб хабар беради, АНД агентлиги. Бу ерда чемпионлар яшайдиган уйларнинг деворлари ранг-баранг шахмат тахталари билан безатилган.

СУРАТДА: совғабоп шахмат тахталарини ясовчи машҳур уста дурадгор Артур Бруно.

ЖАҲОН ШАҲАР ВА ПОЙТАХТЛАР

ПРАГА. Халқаро врачлар куни муносабати билан Чехословакиянинг турли шаҳарларида ўтказилган митинглар ва намойишларда оқ халатли ўн минглаб киши иштирок этди.

ЧССР пойтахти врачларининг митингида қабул қилинган резолюцияда, жумладан бундай деб таъкидланади: ҳамиша кишилар саломатлигини муҳофаза қилиб турган врачлар жаҳон уза термоядро ёнғини хавф солаётган бир пайтда четда тура олмайдилар. Биз СССР ва бошқа социалистик мамлакатларнинг дунёни янги ҳалокатли можарога тортишга уринаётган империалист агрессорларнинг ҳамлаларидан халқларни ҳимоя қилишга қаратилган конструктив таклифларини тўлатўкис қўллаб-қувватлаймиз.

***

ВАШИНГТОН. Вашингтондаги ва АҚШнинг бошқа шаҳарларидаги урушга қарши ташкилотларнинг кўпдан-кўп активлари «бизга бомбалар эмас, нон керак!» деган сўзлар ёзилган плакатларни кўтариб Оқ уй олдига келдилар. Намойиш қатнашчилари Вашингтоннинг чет мамлакатлардаги авантюрачилик хуружларига ҳамда маъмуриятнинг мамлакат ичкарисидаги халққа зид сиёсатига қарши норозилик билдирдилар.

***

ЖАКАРТА. Индонезия пойтахтида «Ченкареng» янги халқаро аэропорти ишлай бошлади. Аэропорт 2.400 метр узунликдаги иккита учиш-қўниш полосасига эга. Замонавий навигация ускуналари бир соатда 74 та самолётга хизмат кўрсатиш имконини беради.

***

АДДИС-АБЕБА. Сўнгги беш йил ичида Эфиопия пойтахти муниципалитети ҳузурида ташкил этилган курсларда 4 мингдан кўп киши бошланғич медицина тайёргарлигидан ўтди. Курсларни битириб чиққан кишиларнинг ҳаммаси қишлоқ ва шаҳар уюшмаларининг —1974 йилги революциядан кейин тузилган маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларининг активларидир. Ҳозирги вақтда улар мамлакатнинг турли районларида меҳнат аҳоли ўрганиш ва пропаганда ишларини олиб бориш каби вазифаларни бажармоқдалар.

Монголия автотранспортчилари муваффақиятлари

УЛАН-БАТОР. Халқ Монголиясининг автотранспортчилари Монголия Халқ Революцион партияси III съездининг ва МХР эълон қилинган кунининг 60 йиллигини зўр муваффақиятлар билан кутиб олмоқдалар. Улар саккиз ойлик юк ташиш планини муддатидан илгари бажардилар, давлатнинг минг-минг тонналаб ёнилғи-мойлаш материалларини тежадилар. Халқ ҳокимиятининг дастлабки йилларида советлар мамлакатининг ёрдами билан вужудга келтирилган «Монголтранс» ташкилоти ҳозирги кунда халқ ҳўжалигининг транспорт нинг ўдан Эндилик спортчи монг вод тармоқ ри, замо шинал

СССР БИЛАН САВДО-СОТИҚ ЁҚЛАБ ЧИҚМОҚДА

НЬЮ-ЙОРК АҚШ савдо-саноат доираларининг намояндалари Вашингтоннинг СССР билан савдо-сотиқни тўхтатиб қўйишдан иборат йўлини қораламоқдалар. Чикаголик таниқли молия ходими Э. Солк «Черчмен» журналидаги мақоласида СССРга нисбатан кўрилаётган камситувчи чоралар ва савдодан сиёсий тазйиқ ўтказиш воситаси сифатида фойдаланиш йўлидаги уринишлар батамом бемаъни эканлигини уқтиради. Оқ уйнинг «жазо чоралари» ҳеч қачон кутилган натижалар берган эмас, деб ёзади у.

Американинг кўпгина компаниялари Совет Иттифоқи билан амалий алоқаларни кенгайтиришга интилмоқдалар, чунки бу нарса мамлакатимизга катта иқтисо-

Шарқ юлдузи

СЕНТЯБРЬ СОНИДА

«Шарқ юлдузи» журналининг тўққизинчи сони босмадан чиқди. У «Халқлар дўстлиги — адабиётлар дўстлиги» рубрикаси остидаги материаллар билан очилади. Унда сиз Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари адабиётлари ўртасидаги дўстона алоқалар ва қондошликнинг улуғловчи мақолалар, шеър ва ҳикоялар билан танишасиз.

Проза бўлимида М. Мансуровнинг «Мангу жанг» романининг давоми, И. Сулаймоннинг «Авлодлар қиссаси», Отаёрнинг «Мен қуёшни кўргали келдим» эссесининг давоми берилган.

Шеърият мухлислари Шукрулло ва Султон Акбарийнинг янги шеърларини, румин шеърнятидан намуналарни ўқийдилар.

«Бизнинг календарь» рубрикаси остида Рудакийнинг рубоийлари, Аваз Ўтар туғилган кунининг юз йиллигига бағишланган материаллар эълон қилинган.

Саргузашт, фантастика ихлосмандлари Б. Пармузинининг «Жон аччиғидаги найранглар» повести сўнгги қисми билан танишадилар.

Шунингдек, журналнинг «Санъат», «Юбилярларимиз», «Барҳаёт сиймолар», «Тақриз» сингари бўлимларида ҳам кўпгина қизиқарли материаллар бор.

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ— АДАБИЁТЛАР ДЎСТЛИГИ

Ўлжас СУЛАЙМОНОВ,
Қозоғистон ССР Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари.

«НАВОИЙ ЛУТФИ ЯНГЛИҒ ЮКСАК...»

Қозоғистон ва Ўзбекистон адабий алоқаларининг илдизи қадим-қадимларга бориб уланади. Ҳар икки халқнинг узоқ тарихга эга оғзаки ижоди намуналаридаёқ ўхшаш мотивлар, бир-бирига яқин мазмунлар кўзга ташланади. Халқ ижод этган шундай асарлардан бири «Алпомиш» қаҳрамонлик эпосидирки, уни қозоқ ҳам, ўзбек ҳам бирдай ўзининг миллий хазинаси деб ҳисоблайди. Хали кири Алишер Навоий ижодиётини юқори бағолаган ва уни қозоқ ўқувчилари ўртасида кенг тарғиб қилган эди. Қозоқ ва ўзбек адабий алоқалари айниқса Октябрь инқилобидан кейин мустаҳкам боғланди. Ҳар икки халқнинг номдор ижодкорлари ўз асарларида ўзлари мансуб бўлган халқнинг ҳаётини тасвирлаш билан бирга, қардош халқ турмуш тарзини ҳам тараннум этдилар. Ўзбек совет адабиёти классикларининг асарлари, жумладан Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Ғафур Ғулом нинг шеър ва поэмалари, Ойбекнинг романлари, Комил Яшиннинг пьесалари қозоқ тилига таржима қилиниб, алоҳида китоб ҳолида нашр этилган. Фақат кейинги ўн йилликнинг ўзидагина ўнга яқин ўзбек муаллифларининг китоби қозоқ тилида босилди. Булар орасида Саид Аҳмад, Раҳмат Файзий, Мирмуҳсин, Одил Ёқубов, Носир Фозилов сингари ижодкорларнинг асарлари бор. Саид Аҳмаднинг «Келинлар қўзғолони» комедияси театрларимиз саҳнасида муваффақият билан қўйилди.

Шунингдек, ўзбек ўқувчилари ҳам бугунги кунда Мухтор Авезов, Собит Муқонов, Ғабит Мусрепов, Ғабиден Мустафин, Абдилла Тожибоев, Жубан Мўлдағалиев, Сирбой Мавлонов каби қозоқ ёзувчи ва шоирларининг турли жанрга мансуб асарларини она тилларида ўқимоқдалар.

Мен бир ўқувчи сифатида Бутуниттифоқ маданий жараёнида қатнашиб, иштирок этарканман, унда ўзбек адабиётининг катта, доимий ҳаракат фактори эканини ҳамиша ҳис қиламан. Бу адабиётсиз совет ва жаҳон бадиий тафаккурини тасаввур этиш мумкин эмас. Ўзбек китоби осмондан тайёр ҳолда тушмаган, албатта. У бизнинг асримизга, бизнинг хонадонимизга узоқ замонлар қаъридан янги ранглар, ўзига хос характерларга йўғрилган ҳолда, бошқа қардош адабиётлар билан бирбирини тўлдирувчи узвий бирлик топган ҳолда кириб келди. Шунинг учун ҳам бу адабиёт ўзини кенг, теран ва қудратли тарзда намоён этмоқда. Унинг Навоий лутфи янглиғ юксак бўлмоғи, табиий. Ҳам фикр жиҳатидан, ҳам маҳорат жиҳатидан.



ШУКРУЛЛО.

СЕНИНГ БАХТИНГ

Бухоро

Лайлак қанот қоқар. Баҳор. Эрта тонг...

Оқ салла ўраган миноралар жим.
Вазмин бир салобат, сўзсиз тиловат,
Қандайин садо у? Аммо ёзмоққа
Лаби ҳовуз гўё снёҳсиз довот.

Гумбазлар атрофда турар қаппайиб.
Буюк фарзандларни туққан она у.
У шундай онаки, фарзандларига
Ато қилиб кетди яшашни мангу.

Мадрасанинг ёпиқ табақалари —
Гўё хатчўп солган лавҳдаги китоб.
Қайси ривоятда ёпганди Сино,
Улуғбек шу бетни қилган инкишоф.

Ҳарир парда каби мовий самода
Лайлак қанот қоқар гумбазлар аро.
Буюк боболарнинг пок руҳин сақлаб,
Савлат тўкиб боқар, тонгдан Бухоро.

Ғуборларни ювмоқда баҳор

Анҳор оқар тўлиб, бўтана бўлиб,
Теккан унга кимнинг ювуқсиз қўли?
Қайси кўнгилларнинг лойқаси оқар,
Қайгача чўзилиб боради йўли?

Илон изи бўлиб, бураліб оқар,
Қай эгри кўнгилдан олган андоза!
Қайдан оқиб келар бунча қуйқалар,
Қачон лойқа тиниб, бўлади тоза!

Қирғоқларга уриб, бўтана бўлиб,
Хасларни ирғитиб оқмоқда анҳор.
Бу баҳор белгиси — қувонгин, дўстим,
Ғуборларни қувиб кирмоқда баҳор.

Султон АКБАРИЙ.

Хоразм йўлларида

Хаёллар тизгинин бўш қўйиб йўлда,
Оқбўта бахшидай дўмбира қўлда,
У ёғи бахмалзор, бу ёғи чўлда
Соллана-соллана кетаётирман.

Воҳани кашф этмоқ учун янгитдан,
Минг тимсол келтириб Гурлан, Манғитдан,
Қизариб, кам ёзар, деган таққиддан,
Ёллана-ёллана кетаётирман.

Айтдилар: оқ бошда барра чўғирма,
Ёшулли, саҳродан юзни ўгирма,
Тўғрини чўқарибб мин-у бўкирма,
Холлана-холлана кетаётирман.

Амумн, белида зарафшон зулфи,
Қизларнинг кўкракда тиллойи чўлпи,
Жанг этиб, очилиб ёпиқ дил қулфи,
Боллана-боллана кетаётирман.

Кўзларим йўлингда тешилиб қолди

Изларинг гардига, шарпангга махмур,
Кўзларим йўлингда тешилиб қолди.

Юрагим устини тирнади танбур,
Сузларим кўйингда эшилиб қолди.

Мен нетай шаклсиз қуруқ дунёни,
Хомсиған жаҳонни нетаман сенсиз.

Навбаҳор ўйнатиб қўйган дарёни,
Ордона қолсин, деб кетаман сенсиз.

Менга на лўкидон, на эшик лозим,
Очилиб турмасанг тонгги гуллардай.

Қариган суякни қиздирса ёзим,
Сочилиб кетурман қизғиш куллардай...





ЖОНАЖОН ВАТАН БЎЙЛАБ

● МОСКВА. Меҳнат Қизил Байроқ орденли 1-шаҳар ҳунар-техника билим юрти И. А. Лихачев номли Москва автомобиль заводи учун малакали ишчилар тайёрлаб беради.

СУРАТДА: бўлажак автомобилчилар.

***

● Чита шаҳрида минг ўринли касалхона комплекси қурилиши тугалланди. Касалхона ҳозирги замон асбоб-ускуналари билан жиҳозланган. Бу ерда беморларнинг тезроқ соғайиб кетиши учун барча қулайликлар яратилган. Корпус яқинида санитария вертолётлари қўнадиган майдонча ҳам бор.

СУРАТДА: касалхонанинг бўлим мудири И. Трухин ва навбатчи диспетчер Л. Кузнецова.

● ГРУЗИЯ ССР. Чой етиштирувчи Нуну ва Вано Цурцумялар номини Лецурцум қишлоғи алоҳида ҳурмат ва эътибор билан тилга олишади. Уларнинг оиласида 10 нафар фарзанд бор.

Уларнинг икки ўғли Роин ва Мераб колхозчи. Майя Кутаиси кооператив техникумида таълим олади. Манана, Капа, Нукри, Ростеван, Корнелий ва Макалар — мактабга ва боғчага қатнашади. Ҳозирча уйда фақат Раймон йўқ — Совет Армияси сафида хизмат қилмоқда.

Чхороцкус районининг Лецурцум қишлоғидаги колхоз жамоат фонларида кўп болали оилаларга доимий ғамхўрлик қилиб келмоқда. Кўп болали оилаларнинг томорқаларига нишлов берилади, уларнинг фарзандлари бепул мактаб формаси ва ўқув китобларн билан таъминланган, ота-оналар болаларининг боғчага борганлиги учун олинадиган ҳақдан озод қилинган. Яқин кунлар ичида бу кўп болали оила янги уйга кўчиб ўтади: улар учун ажратилган участкадаги уйнинг қурилишида барча қишлоқдошларн яқиндан ёрдам беришди.

Г. Киквадзе фотоси.
ТАСС фотохроникаси.

Мирсаид МИРШАКАР,
Тожикистон ССР.

ИЗЛАНИШДА КЕЧИРДИМ ҲАЁТ

«Йўқотмаган нарсанн излама ҳаргиз» —
Бу сўз бегонадир, билсанг мен учун.
Менга одат бўлган туғилганимдан
Излаб, йўқотмасдан топаман ҳар кун.
Бу кўҳна дунёнинг меъморидирман,
Тоғларни қазидим, айладим ижод.
Бошимга кўтариб табиатни ман,
Сайёралар аро гоҳо сурдим от.
Кўзимга тўтиё бўлар жаҳонда
Дашту саҳроларнинг тоза тупроғи.
Ҳеч нарса йўқотдим демасман, бироқ
Туну кун изламоқ фикрим чироғи!
Йўқотмаган нарсанн топмоқ
Бу гарчи оғирдир шарафли йўлда,
Ҳаёт денгизига шўнғимоқ даркор
То мақсад гавҳари тушгунча қўлга!
Йўлимни ёритар шам каби ақлим,
Орзую изланиш бағишлар қанот!
Елкамга юкланган ҳаёт ташвиши,
Кўнглим тўқ, умидвор, қонимда сабот.
Ҳеч кимса ўтмаган нотекис йўллар,
Юксак чўққилардан кечмоғим даркор.
Дарёлар, ғазабга минган булутлар —
Мени кутмоқдалар, улар интизор.
Лек ёлғиз эмасман,
Менинг йўлдошим
Орзую изланиш бормоқда бирга,
Иккиланмай шундоқ парчалагайман,
Қатағонлар солиб тоғу адирга.
Мен ҳеч нарса йўқотмадим, лек
«Билсанг — умр отилган ўқдир».
Изланмасдан ҳамда бемақсад
Яшамоқдан ёмони йўқдир.

О. БЎРИЕВ таржимаси.

Ота ОТАЖОНОВ,
Туркманистон ССР.

ТУРКМАНИСТОНИМ МЕНИНГ

Мен сенинг шуҳратли-шонли
Номингга мафтунман, ватан,
Меҳнат билан топганинг,
Аҳдингга мафтунман, ватан.
Табиатинг, гул чиройинг,
Бахтингга мафтунман, ватан.
Донгдор ўлкам,
Номдор ўлкам —
Туркманистоним менинг.
Айтар сўзим,
Орзу-ўйим —
Дилда достоним менинг!
Хушхабарли, мўл саломли,
Саҳарларинг мафтунимман.
Ут ёшлигим ёдга солган
Баҳорларинг мафтунимман.
Дўст келганда кенг ёзимлар
Дастурхонинг мафтунимман.
Оқ кўнгилли,
Асил нонли
Туркманистоним менинг.
Гул манзилли,
Кўк денгизли
Боғу бўстоним менинг
Бу дунёда ҳеч бир офат
Сендан айри солмасин.
Қўша кўкқошин байроқ
Порласин, ҳеч сўнмасин!
Истагим, ёзган шеърларим
Муҳаббатсиз бўлмасин.
Камол топ, нқболли бўл,
Туркманистоним менинг.
Керагим сен,
Юрагим сен —
Жону жаҳоним менинг!

Турсун ИБРОҲИМОВ
таржимаси.

Али ТУҚОМБОЕВ,
Қирғизистон ССР.

УМР

Уйр ўтиб кетар учқур елсимон,
Ҳаёт она айтган алладай ширин.
Табнат инсонга мунча хасиссан,
Ҳаттоки бермадинг чинорнинг умрин.
Юзга ажин тушмай бўз йигит бўлиб,
Қаннйдн камида юз йил яшасак.
Аммо ўшанда ҳам оҳ-фиғон қилиб,
Қарғардик дунёда ўлимни бешак.
Фурсат бар тутқизмай ўтаверади,
Ҳаёт эркалайди гўё онадек.
Курашларда ғолиб чиқсак бўлганн —
Тўлқинларни ёриб ўтган кемадек.

Усмон ТЕМУР таржимаси.

МЕДИЦИНА ЯНГИЛИКЛАРИ

Теринниг иссиқ сигналлари

Врач электродларни дицина фанлари кандидати А. Алдерсонс. — Аммо бизни ҳар қандай участкалар эмас, балки рефлексоген зона деб аталмиш зоналаргина қизиқтиради. Бу зоналарнинг ҳар бири бирон органнинг фаолиятини акс эттиради. Башарти унинг вазифаси бузилса, жисм юзининг муайян жойида иссиқ чиқариш кўпаяди ва аксинча иссиқ чиқишининг камайиши — аҳвол кўнгилдагидек эканлигининг аломатидир. Институт ходимлари шу зоналарнинг жойлашиш схемасини тузиб чиқдилар. Ҳар бирининг юзи 15 квадрат сантиметргача боради. Шуларнинг бири бевосита юрак билан нерв орқали боғланган, иккинчиси ўпка билан, учинчиси буйрак билан боғланган. Жами ўттизтага яқин шундай зона бор.

— Янгилик замонавий диагноз қўйиш

Врач электродларни бемор танасининг дам бир жойига дам иккинчи жойига тегизар экан, терининг электр ўтказувчанлигини ўлчайдиган прибор шкаласини кўздан қочирмайди. Текшириб бўлгач эса:

— Жигарни албатта текшириб чиқиш керак, қолганлари нормада, — дейди.

Латвия экспериментал ва клиник медицина илмий-тадқиқот институтининг нейрофизиологлари ишлаб чиққан ёрдамчи диагностика методи тери терморегуляция хусусиятларини назарда тутади.

— Терининг турли участкалари ҳавонинг ҳарорати кўтарилганидан бирдай ўзгармайди. Уларнинг электр ўтказувчанлиги ўзгаришига қараб буларга иссиқ қандай таъсир этганлиги тўғрисида бирон-бир фикр айтиш мумкин, — дейди медицина фанлари кандидати А. Алдерсонс. — Аммо бизни ҳар қандай участкалар эмас, балки рефлексоген зона деб аталмиш зоналаргина қизиқтиради. Бу зоналарнинг ҳар бири бирон органнинг фаолиятини акс эттиради. Башарти унинг вазифаси бузилса, жисм юзининг муайян жойида иссиқ чиқариш кўпаяди ва аксинча иссиқ чиқишининг камайиши — аҳвол кўнгилдагидек эканлигининг аломатидир. Институт ходимлари шу зоналарнинг жойлашиш схемасини тузиб чиқдилар. Ҳар бирининг юзи 15 квадрат сантиметргача боради. Шуларнинг бири бевосита юрак билан нерв орқали боғланган, иккинчиси ўпка билан, учинчиси буйрак билан боғланган. Жами ўттизтага яқин шундай зона бор.

— Янгилик замонавий диагноз қўйиш

МАНГУ ЖАНГ

(Романдан парча)

Муроджон МАНСУРОВ

Бурҳон раиснинг азбаройи жаҳли чиққанидан чап кўзи учиб, бетўхтов пирпирашга тушди. Бунақа пайтда у кўзини мушти билан ишқаб ҳам тўхтата олмас эди. Ҳозир ҳам иримини қилиб бармоғини кўзига суртиб ўпаркан, «Нима бало, бугун чап ёним билан турмаган эдим шекилли, эрталабдан шу гапни топиб келибди, — дея тажанглиниб кўнглидан ўтказди. — Кеча бригадирлар бозорга оширмоқчи бўлган бир арава пиёзни кимдир ушлаб, фронтчиларнинг уйига тарқатиб юборса, бугун кимсан район судининг оти гумдон бўлиб турса. Кимсан Бурҳон тўкиснинг колхозида фалончининг отини ўғирлаб кетишибди, деган гап тарқаши қайси бир иблисди? — У ўйлаб ўйининг тубига ета олмас, бу иблисликни кимдан кўришини билмасди. У охири зарда билан қўл силтади, — шошмачи, иси чиқар-ку. Шундай қолиб кетмас-ку. Ана унда мендан кўради. Шундай жазолайки, онадан туғилганинга пушаймонлар бўлсин.

Индамаса, уруш вақти, оғир маҳал деб раҳм қилса, ҳаддидан ошаверарканда. Ҳаддидан ошиш қанақа бўли. шини энди мендан кўрсин! Меҳмонлардан қутулиб олай, ўзим биламан».

У ўртадаги пастак деворга яқин бориб, отидан тушиб, уни толга боғларкан, негадир юзи ҳар вақтдагидан анча тунд кўринди.

«Бекорга чап кўзим учмаётган экан, бу ҳам бир балони бошлаб келганов», деган хаёл кечди Бурҳоннинг кўнглидан.

Кейин унга синовчан кўз ташлади. Акбар ҳар вақтдагидек унинг олдига хушламайгина эмас, зарур иши бор одамдай шаҳд билан юриб келди-да, ўзини босиб кўришди:

— Ҳа, Бурҳон, яхшимисан? Идорангга атай қидириб бордесами Акбар полвоннинг пайдо бўлишидан юрагининг бир чеккаси жиғ этиб кетди.

Неча йилдан бери трактор кетида юриб, дала шамолларида қорайиб, яна ҳам норғул, яна ҳам чайир тортиб кетган Акбар полвон ўзининг қадрдон саман ётувдим, ўзинг бўёқда экансан. Эшитиб, - тўғри келавердим. Айбга буюрмайсан-да?

Улар кафтни кафтга ташлаб кўришишди. Илгариги пайт бўлганда-ку, қучоқлашиб кетишар эди. Полвонлардек бел олишиб, бир-бирларини кўтариб, ҳеч бўлмаса раислик ҳурматим, юртнинг отаси деган номим йўқми, деб паст тушмайди. Иккаласининг ҳам кўнглида бир олам гапи бор, иккаласи ҳам кўнглини ёргиси келади-ю, лекин нимадир ҳамиша монелик қилиб туради.

Қудратилла поччанинг насиҳатлари эсингдами?.. Дарвоқе, сен у кишини устоз деб биларднг, шундайми?

Акбар ҳақ гапни айтаётган бўлса-да, яна нимагадир шама қиладёттан эди. Бурҳон уни ҳовуз бўйидаги ёғоч чиқади. Қудратилла поччанинг насиҳатлари эсингдами?.. Дарвоқе, сен у кишини устоз деб биларднг, шундайми?

Акбар ҳақ гапни айтаётган бўлса-да, яна нимагадир шама қиладёттан эди. Бурҳон уни ҳовуз бўйидаги ёғоч каравотига бошлаб турнб, ўзига бир қараб қўйди: «Нимага шама қиляпти бу кажбаҳс».

У Акбарнинг кўзларида шунга ўхшаш ифодани кўргандай бўлди-ю, ич-ичидан бир ғижиниб бош кўтарди: «Ўзлари менинг ўрнимда бир йилга чидармиканлар? Уйдаги гап кўчага тўғри келадиган вақт эканми? Вой, рисоладан чиқмайдиган анойи-ей!»

— Шундай... Нима эди? — деди ёқинқирамай.

— Шун-дай? Халиям-а? — Акбар полвон ишонқирамай тўхтади, унинг кўзларига тик боқди.

Бурҳон унинг бу қарашига тоб бера олмаслигини сезиб, худди бу гап ўзи учун аҳамиятсиздай каравот томон йўналди. Гапни чалғитиш учун йўлакай ичкарига овоз берди:

— Ҳой, чой!!

Ўзи тўрт томонига юмшоқ кўрпачалар тўшалиб, пар ёстиқлар қўйилган ёғоч каравотнинг бир четига ўтириб, хонтахта устидаги тузоғлик дастурхонни очаркан, Акбар полвонга жой кўрсатди:

— Қани, насиба-да, бирга нонушта қиламиз. Оқ яктак, оқ қалпоқли, мўйловига ҳам ун тегиб оқариб қолгандай пакана новвой пилдираб келиб кафтидан иккита жиззали нон ташлаб кетди. Раис қўли қуйиб пуфлаб пуфлаб уни ушатиб қўяркан:

— Тандирдан янги чиққан жиззали нонга борман-да! Ҳиди маст қиламан дейди-я жониворнинг, — деди қулфи-дили очилиб.

Орзигаттанларини деб хушламайди, бунисн, ишқаридан тушиб, уни толга боғларкан, негадир юзи ҳар вақтдагидан анча тунд кўринди.

«Бекорга чап кўзим учмаётган экан, бу ҳам бир балони бошлаб келганов», деган хаёл кечди Бурҳоннинг кўнглидан.

Кейин унга синовчан кўз ташлади. Акбар ҳар вақтдагидек унинг олдига хушламайгина эмас, зарур иши бор одамдай шаҳд билан юриб келди-да, ўзини босиб кўришди:

— Ҳа, Бурҳон, яхшимисан? Идорангга атай қидириб бордесами Акбар полвоннинг пайдо бўлишидан юрагининг бир чеккаси жиғ этиб кетди.

Неча йилдан бери трактор кетида юриб, дала шамолларида қорайиб, яна ҳам норғул, яна ҳам чайир тортиб кетган Акбар полвон ўзининг қадрдон саман ётувдим, ўзинг бўёқда экансан. Эшитиб, - тўғри келавердим. Айбга буюрмайсан-да?

Улар кафтни кафтга ташлаб кўришишди. Илгариги пайт бўлганда-ку, қучоқлашиб кетишар эди. Полвонлардек бел олишиб, бир-бирларини кўтариб, ҳеч бўлмаса раислик ҳурматим, юртнинг отаси деган номим йўқми, деб паст тушмайди. Иккаласининг ҳам кўнглида бир олам гапи бор, иккаласи ҳам кўнглини ёргиси келади-ю, лекин нимадир ҳамиша монелик қилиб туради.

Қудратилла поччанинг насиҳатлари эсингдами?.. Дарвоқе, сен у кишини устоз деб биларднг, шундайми?

Акбар ҳақ гапни айтаётган бўлса-да, яна нимагадир шама қиладёттан эди. Бурҳон уни ҳовуз бўйидаги ёғоч каравотига бошлаб турнб, ўзига бир қараб қўйди: «Нимага шама қиляпти бу кажбаҳс».

У Акбарнинг кўзларида шунга ўхшаш ифодани кўргандай бўлди-ю, ич-ичидан бир ғижиниб бош кўтарди: «Ўзлари менинг ўрнимда бир йилга чидармиканлар? Уйдаги гап кўчага тўғри келадиган вақт эканми? Вой, рисоладан чиқмайдиган анойи-ей!»

— Шундай... Нима эди? — деди ёқинқирамай.

— Шун-дай? Халиям-а? — Акбар полвон ишонқирамай тўхтади, унинг кўзларига тик боқди.

Бурҳон унинг бу қарашига тоб бера олмаслигини сезиб, худди бу гап ўзи учун аҳамиятсиздай каравот томон йўналди. Гапни чалғитиш учун йўлакай ичкарига овоз берди:

— Ҳой, чой!!

Ўзи тўрт томонига юмшоқ кўрпачалар тўшалиб, пар ёстиқлар қўйилган ёғоч каравотнинг бир четига ўтириб, хонтахта устидаги тузоғлик дастурхонни очаркан, Акбар полвонга жой кўрсатди:

— Қани, насиба-да, бирга нонушта қиламиз. Оқ яктак, оқ қалпоқли, мўйловига ҳам ун тегиб оқариб қолгандай пакана новвой пилдираб келиб кафтидан иккита жиззали нон ташлаб кетди. Раис қўли қуйиб пуфлаб пуфлаб уни ушатиб қўяркан:

— Тандирдан янги чиққан жиззали нонга борман-да! Ҳиди маст қиламан дейди-я жониворнинг, — деди қулфи-дили очилиб.

МУҲИМ САНАГА БАҒИШЛАБ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон ССР Давлат кутубхонаси ва республика болалар кутубхонаси томонидан чиқарилган методик библиографик қўлланма муҳим сана — Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигига бағишланди.

БУГУН

нашрдан чиққан «Ғулла, яшна Ўзбекистоним» методик библиографик қўлланма республикамиз кутубхоналари, маданият ва маърифат муассасалари, «Билим» жамияти лекторлари, агитатор ва пропагандистларга тарқатила бошланди.

Қўлланма икки қисмдан иборат бўлиб, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги муносабати билан турли оммавий тадбирлар уюштириш, кутубхоналар билан ишлаш ва уларнинг ўқишига рахбарлик қилиш, ўлкашуносликка оид адабиётларни, материалларни кенг тарғибот этишга оид методик материаллар ва адабиётларнинг библиографик рўйхати берилган.

М. ИСҲОҚОВ.

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

3 ТОШКЕНТ БЕТ. ОҚШОМИ

8 ОКТЯБРЬ. 1984 й.

ТЕЛЕПРОГРАММАЛАР

ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Профилактика муносабати билан душанба, 8 октябрь куни МТ I программасининг кўрсатувлари соат 9.00 дан 18.00 гача 5-канал орқали намойиш этилади.

ДУШАНБА, 8. X

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Футбол шарҳи».
10.10 «Эртак ҳузурида меҳмонда».
11.40 Қирғизистон халқ куйлари. Фрунзе шаҳридан олиб кўрсатилади.
12.10 «Ворислар». Телефильм.
12.40 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 Ҳужжатли фильмлар: «Мангу олов», «Бу Украина».
16.15 Халқаро конкурслар лауреати М. Безверхний чалади (скрипка). Ленинграддан олиб кўрсатилади.
16.35 «Онамларнинг мактаби».
17.05 М. Бажан. «Тунги концертлар». Поэмалар туркуми.
18.00 «Горнчилар, қаердасиз!»
18.30 «Ишлар ва одамлар». «Узоқ Шарқ қирғоғида». Находка ва Восточний портларини ривожлантириш ҳақида.
19.00 «Кувноқ нотачалар».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Акробатика бўйича жаҳон чемпионати. Болгариядан олиб кўрсатилади.
20.00 Ж. Вердининг «Отелло» операси. «Арена ди Верона» театрининг спектакли (Италия).
21.30 «Время».
22.05 Ж. Верди. «Отелло» операсининг давоми.
23.25 «Футбол шарҳи».
23.55 «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 — 9.35 «Уз даласида ёки Ивановкада бригада пудратига қандай муносабатда бўлганликлари ҳақида». Ҳужжатли фильм.
10.00 — 10.35 «Рус тили».
12.05 — 12.40 «Фан ва турмуш».
15.05—15.45 «Сенинг ленинча кутубхонанг». В. И. Ленин. «Материализм ва эмпириокритицизм». 1-кўрсатув.
16.30 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.45 «Дунё ва ёшлар».
19.20 А. Вивальди. Тўрт скрипка ва камер оркестри ижроси учун 7-концерт.
19.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!»
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Халқаро панорама».
21.30 «Время».
22.05 «Узоқ акс-садо берди». Телевизион бадиий фильм премьераси.

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.10 Мактаб ўқувчилари учун. «Санъат ғунчалари».
18.40 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Советский воин» телевизион журнали (рус.).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.50 Ипподромда мотопойга бўйича СССР чемпионати. Тошкент ипподромидан репортаж (ёзиб олинган).
20.30 «Ахборот».
20.55 Узбек куйларидан концерт.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Бугун оламда нима гап!» Халқаро аҳвол кундалиги.
22.20 «Заречная кўчасида баҳор». Бадиий фильм (рус.).
23.50 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

9.00—16.35 МТ II
18.05 Кўрсатувлар программаси.
18.10 «Улкан қуёш ўлкасида». Телефильм.
18.45 Врач маслаҳати.
19.00 «Ҳаёт учун кураш». Илмий-оммабоп фильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Эртага — премьера». Кинокўрсатувни М. Муҳаммад Дўст олиб боради (такрорий).
21.30 МТ II

ҲУРМАТЛИ ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР!

Узбекистон ССР Телевидение ва радио эшиттириш Давлат комитети ўз программаларига ўзгаришлар киритиши мумкин.

СЕШАНБА, 9. X

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати.
9.55 «Микробиология ва Озиқ-овқат программаси». Илмий-оммабоп фильм.
10.20 Ж. Верди. «Отелло» операси. «Арена ди Верона» театрининг спектакли (Италия).
13.10 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 Телефильмлар: «Совет Молдавиясига марҳабо», «Ҳўжайинлар», «Бригадирнинг дастхати».
16.05 Я. Сибелиус. 5-симфония. Фин радиосининг симфоник оркестри ижро этади.
16.40 «Моҳир қўллар».
17.15 «Жезқазғон — мис шаҳри».
17.45 Социалистик мамлакатлар ҳужжатли фильмлари: «Зангори магистрал суръатлари» (БХР ва СССР), «Ҳаёт кафолати» (ЧССР), «Брюль террасаси» (ГДР).
18.15 «Стадион ҳамма учун».
18.45 «Фан ва турмуш».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «ГДР пионерлари ҳузурида меҳмонда».
19.50 «Княжна Мэри». Бадиий фильм.
21.30 «Время».
22.05 «Поэзия» альманахи.
23.30 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати.
23.45 «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 — 9.35 «Сеҳрли туёқлар товуши». Илмий-оммабоп фильм.
9.55 — 10.15 «Муваффақият формуласи». Илмий-оммабоп фильм.
11.55 «Костюм эволюцияси». Илмий-оммабоп фильм.
12.15 «Шахмат мактаби».
14.10 «Одамлар «раҳмат» дейишмоқда». СССР халқ ўқитувчиси А. А. Ковалёв ҳақида телеочерк.
14.40 М. И. Глинка. «Вальс-фантазия».
15.10—15.40 «Сенинг ленинча кутубхонанг». «Материализм ва эмпириокритицизм». 2-кўрсатув.
16.30 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.45 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
19.30 «Сиз яратган боғ».
20.00 Д. Кабалевский. Виолончель ва фортепьяно ижроси учун соната.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Кинотомошабин ҳамроҳи».
21.30 «Время».
22.05 «Сирли брелок». Бадиий фильм.
23.10 «Ясная Полянада». Телефильм.
23.20 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Спартак» — «Торпедо». 3-давр.

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 Болалар учун фильм.
18.40 Узбекистон ССР ва Узбекистон Компартияси ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Узбекистон ССРнинг ташкил топиши ва ленинча миллий сиёсат тантанаси». В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалидан репортаж.
19.00 «Молдавия учун жанглларда». Телефильм.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.50 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. М. Бобоев. «Йўл бўйидаги аёл».
20.30 «Ахборот».
20.55 Лирик концерт.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Хирмонингизга барака».
22.20 ЎзССР ва Узбекистон Компартияси ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Матонат». Бадиий фильм («Узбекфильм»).
23.50 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

9.00—16.35 МТ II
18.05 Кўрсатувлар программаси.
18.10 «Каштанлар олтин барглари-нинг тўкмоқда». Телефильм.
18.30 «Кўприклар кўтарилганда». Бадиий фильм (рус.).
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 Ўқув программаси.
20.50 «Кузда онам томон олиб борадиган йўл». Телефильм.
21.30 МТ II

ЧОРШАНБА, 10. X

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Молдавия ССР телевидение ва радиоси академик хорининг концерти. Кишиневдан олиб кўрсатилади.
10.05 «Княжна Мэри». Бадиий фильм.
11.40 «Саёҳатчилар клуби».
12.40 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 Мамлакат телестудияларининг ҳужжатли фильмлари: «Андрей, Олегнинг ўғли...», «Иш кунидан сўнг», «Омборчи».
16.30 С. Токомбаева шеърлари.
17.15 «Мухбирларимиз ҳиқоя қиладилар».
17.45 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
18.30 «Усимликлар олами».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.35 МОЛДАВИЯ ССР ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ РЕСПУБЛИКА ТАШКИЛ ТОПГАНЛИГИ ВА МОЛДАВИЯ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТУЗИЛГАНЛИГИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ПРОГРАММАСИ.
21.30 «Время».
22.05 «Оқшом тароналари». Концерт.
22.30 «Москва музейларининг ноёб хазиналари».
23.15 «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15—9.35 «Тасодифларга бой лавозим». Телефильм.
11.05—11.35 «Антарктидага командировка». 1-кўрсатув.
12.05 «Онамларнинг мактаби».
14.10 «Совет тасвирий санъати». «В. А. Фаворский устахонасида».
15.10 Ф. Энгельс. Ҳаёти саҳифалари.
15.55 И. В. Гёте. «Фауст».
16.25 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.45 «Менга рўмол ҳадя эт». Телефильм.
18.55 «Даниил Шафран». Фильм-концерт премьераси.
20.00 «Тажриба олдидан». 1-кўрсатув.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.50 «Ҳамдўстлик» тележурнали.
21.20 «Семирамида боғлари». Илмий-оммабоп фильм.
21.30 «Время».
22.05 «Қадрдон иш». Бадиий фильм.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.25 «Қадрдон дўстлар». Телевизион бадиий фильм. 1-серия (рус.).
11.30 Ўқув программаси.
12.00 «Совет Иттифоқи шаҳарлари». Кинопрограмма.
13.00 Янгиликлар.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.15 Мактаб ўқувчилари учун. «Кувноқ хоровод».
19.00 «Ҳалима Носирова». Ҳужжатли фильм («Ўзкинохроника»).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.50 «Ёзувчи ва замон». Совет ёзувчилари I Бутуниттифоқ съездининг 50 йиллигига бағишланган СССР Ёзувчилар союзи юбилей пленуми якунларига доир.
20.30 «Ахборот».
20.55 ЎзССР ва Узбекистон Компартияси ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Узбекистон симфоник музыкаси ривожланишининг йўллари». Кўрсатувни ЎзССР халқ артисти З. Ҳақназаров олиб боради.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Бугун оламда нима гап!» Халқаро аҳвол кундалиги.
22.20 ЎзССР халқ артисти Г. Ҳамроеванинг ижодий кечаси.
23.15 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

9.00—16.30 МТ II
18.05 Кўрсатувлар программаси.
18.10 «Тарвузли рейс». Телефильм.
18.40 Ўқитувчи экрани.
19.10 «Коинотни забт этувчилар». Ҳужжатли фильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Икки комедия». Телеспектакль (рус.).
21.00 «Тошкент қишга ҳозирлик кўрмоқда».
21.30 МТ II

ПАЙШАНБА, 11. X

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати.
9.55 «Горнчилар, қаердасиз!»
10.25 «Мактаб директорининг кундалиги». Бадиий фильм.
11.40 «Мўъжизасиз-мўъжизалар».
12.40 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Беш йиллик — ҳар биримизнинг ишимиз». Телефильмлар: «Яқин қариндош», «Бор-йўғи бир сатр».
16.05 Тува АССР Давлат «Саян» ашула ва рақс ансамблининг концерти.
16.35 Мактаб ўқувчиларининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, гидроқурувчи М. М. Васильев билан учрашуви. Иркутскдан олиб кўрсатилади.
17.20 «Шахмат мактаби». «Оқ руҳ».
17.50 «Тува ҳақида уч қўшиқ». Телефильм премьераси.
18.40 «Дунё ва ёшлар».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Миллионлар ленинча университети». «Меҳнат — жамият — инсон». «Меҳнат коллективи ҳуқуқ ва бурчларининг бирлиги».
20.00 Футбол бўйича жаҳон чемпионатининг саралаш матчи. Норвегия — СССР терма командалари. Норвегиядан олиб кўрсатилади.
21.30 «Время».
22.05 СССРда ГДР Маданияти кунларининг очилишига бағишланган концерт. ССР Иттифоқи Давлат академик Большой театридан олиб кўрсатилади.
00.10 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати.
00.25 «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15—9.35 «Қишлоқ хўжалиги». Киножурнал.
10.30—10.40 «Кристаллнинг совуқ нури». Илмий-оммабоп фильм.
11.05—11.35 «Антарктидага командировка». 2-кўрсатув.
12.05—12.40 «Оила ва мактаб». Тележурнал.
13.30 Совет ёзувчилари В. И. Ленин ҳақида. М. Прилежаева ҳиқоя қилади.
14.30 А. Грин ҳаёти ва китоблари.
15.20 «Врач чақиртирганмидингиз». Бадиий фильм, субтитр билан.
16.30 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.45 «Душанба — дам олиш куни». Пермь расмлар галереяси ҳақида телефильм.
19.30 Қирғизистон ССР Давлат халқ рақс ансамблининг концерти.
20.00 «Тажриба олдидан». 2-кўрсатув.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Сиз бунга қодирсиз».
21.30 «Время».
22.05 «Фамилиядош». Телевизион бадиий фильм. 1-серия.
23.10 «Агар ёшлик билганда эди». Ҳужжатли фильм.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.25 «Қадрдон дўстлар». Телевизион бадиий фильм. 2-серия (рус.).
11.30 Ўқув программаси (рус.).
12.00 Болалар учун. «Бойчечак» (такрорий).
12.30 Ўқув программаси.
13.00 Янгиликлар.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.15 «Кувноқ камалак». Болалар учун фильм-концерт.
18.45 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Сенинг замондошинг».
19.15 «Дружба народов» журнали — 1985 йилда».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.50 «Чўнтакдаги пуллар». Ҳужжатли фильм.
20.10 «Инсон ва қонун» программаси почтасидан.
20.30 «Ахборот».
20.55 ЎзССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Дўстлик тароналари».
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Қишлов — чорвадорлар учун масъулиятли давр».
22.25 «Баҳс». Ахлоқий-этик мавзуларда кўрсатув.
23.25 Теннис бўйича СССР чемпионати. «Динамо» теннис стадионидан репортаж (ёзиб олинган).
23.55 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

9.00—16.35 МТ II
18.10 Кўрсатувлар программаси.
18.15 «Йигирма микрон бўшлиқ». Ҳужжатли фильм.
18.35 «Най навоси». Бадиий фильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 Реклама.
20.30 «Ғилдирак». Телевизион бадиий фильм (рус.).
20.50 «Советлар мамлакатининг кишилари». Кинопрограмма.
21.30 МТ II

ЖУМА, 12. X

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Моҳир қўллар».
10.10 «Умид ва таянч». Бадиий фильм.
11.50 РСФСР халқ артисти А. Тихонов чалади (балалайка).
12.20 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Уйга ғалаба билан». Телефильм премьераси.
16.10 «Рус тили».
16.40 «Биз билан бирга, худди биздек, бизсан ҳам яхшироқ бажар». ГДРдан олиб кўрсатилади.
17.40 В. Моцарт. Флейта ва оркестр ижроси учун 2-концерт.
18.05 «Андалусия — Испаниянинг қалби». Киношарҳ.
18.45 «Ҳунар-техника билим юртларида нимага ва қандай қилиб ўргатишади». «Қурувчилик шуҳрати ҳақида».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Мультфильм.
19.45 КИРҒИЗИСТОН ССР ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ РЕСПУБЛИКА ТАШКИЛ ТОПГАНЛИГИ ВА ҚИРҒИЗИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТУЗИЛГАНЛИГИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ПРОГРАММАСИ.
21.30 «Время».
22.05 М. Фрадкин асарларидан концерт.
23.50 «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15—9.35 «Мелеузов йилқичилари». Телефильм.
11.05—11.35 «Антарктидага командировка». 3-кўрсатув.
12.05 Илмий-оммабоп фильмлар: «Шоир ва революция», «Чарин дараларида».
14.30 Тарих саҳифалари. «Қаҳрамонлар билан учрашув».
15.10 «Драматургия ва театр». А. Н. Островский. «Бўрилар ва қўйлар».
16.05 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Сизлар қандай кишилар бўлиб етишасиз». Ҳужжатли фильм.
19.10 Бадиий ҳаваскорлик ижодиёти Бутуниттифоқ кўриги.
19.30 «Қишлоқ янгиликлари».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.50 Теннис бўйича СССР чемпионати. Тошкентдан олиб кўрсатилади.
21.30 «Время».
22.05 «Фамилиядош». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.
23.10 Парашют спорти бўйича СССР чемпионати. Краснодардан олиб кўрсатилади.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.25 «О, муҳаббат». Телевизион бадиий фильм (рус.).
11.30 Ўқув программаси (рус.).
12.00 «Эшмат — фариштa». Телевизион бадиий фильм («Узбекфильм», рус.).
12.30 Ўқув программаси.
13.00 Янгиликлар.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.15 Кўғирчоқ фильм.
18.30 «Ҳовлимиздаги стадион» (рус.).
19.00 «Кабарда-Балкар диёри тароналари». Кабарда-Балкар АССРда ҳизмат кўрсатган артист М. Текуев куйлайди.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.50 «Ишчанлик вазиятидаги учрашувлар». Телетомошабинларнинг саволларига ЎзССР Енгил саноати министри М. Х. Қурбонов жавоб беради (рус.).
20.30 «Ахборот».
20.55 «Мақом кечаси». Кўрсатувни ЎзССР халқ артисти О. Алимаҳсумов олиб боради.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Дунё воқеалари».
22.35 Молдавия ССР ва Молдавия Компартияси ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Ажойиб тақдирли кишилар».
23.30 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

9.00—16.10 МТ II
18.10 Кўрсатувлар программаси.
18.15 «Спорт, спорт, спорт». Кинопрограмма.
18.55 «Лоқайдлик». Телефильм.
19.10 «Ғалла ҳақида ўйлар». Ҳужжатли фильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Екатерина саройи». Телефильм.
20.50 «Озиқ-овқат программаси — халқ фаровонлигининг асоси» (рус.).
21.20 «Денгиз билан дўстлашиб». Телефильм.
21.30 МТ II

ШАНБА, 13. X

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати.
9.55 Қишлоқ хўжалик ходимлари кунига бағишланган ҳужжатли фильмлар.
10.45 «Спортлото»нинг 41-тиражи.
10.55 Жаҳон халқларининг ижоди (ГДР).
11.20 «Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик».
11.50 «Ўртоқ қўшиқ» Бутуниттифоқ телевизион конкурси. Фрунзе шаҳридан олиб кўрсатилади.
12.30 «Давр ва ўзим ҳақимда». А. Сурков ижоди ҳақида телефильм.
13.30 «Оила ва мактаб».
14.00 «Дунё воқеалари».
14.15 «Яшил дала узра қор». Бадиий фильм.
15.30 «Ҳамдўстлик». Тележурнал.
16.00 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (М) — «Спартак». В. И. Ленин номли Марказий стадионнинг Спорт саройидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Агар соғлом бўлай десанг».
18.15 «Ҳайвонот оламида».
19.15 Снёсий шарҳловчи В. П. Бекетов суҳбати.
19.45 Мультфильмлар.
20.05 «Кичик ҳиқоя учун сюжет». Бадиий фильм. «Мосфильм» ва «Тельсяфильм» (Франция).
21.30 «Время».
22.05 «Балли, қизлар!» Ёш қишлоқ хўжалик ходимларининг конкурси.
23.35 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати.
23.50 Янгиликлар.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Агар соғлом бўлай десанг».
9.30 «Асли болаликдан».
10.15 «Рига» духовой оркестри чалади.
10.35 «Модомики сен хўжайин экансан...» Ҳужжатли фильм.
11.00 «Тонгги почта» музикали кўрсатуви.
11.30 Ритмик гимнастика.
12.00 Мультфильмлар.
12.30 Спорт ҳақида телефильмлар.
13.20 Кичик концерт.
13.35 КИРОВ ТЕЛЕСТУДИЯСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.
14.40 «Саёҳатчилар клуби».
15.40 «Музикали киоск».
16.10 «Васильлар». А. Н. Островскийнинг «Сўнгги қурбон» пьесаси асосида телеспектакль.
18.30 «Халқаро обзор».
18.45 «Опера саҳнаси усталари». Н. Д. Шпиллер ҳиқоя қилади. 3-кўрсатув.
19.45 «Здоровье».
20.30 «Туннингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 Теннис бўйича СССР чемпионати. Тошкентдан олиб кўрсатилади.
21.30 «Время».
22.05 «Республика хазинаси». Телевизион бадиий фильм.
23.20 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Химик» — «Динамо» (Рига). 2- ва 3-даврлар.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.30 «Асса». Болалар учун фильм-концерт.
10.45 «Сен, менинг қўшиғимсан». Бадиий фильм (рус.).
12.10 Тошкент абразив комбинати «Тим-тим» ҳаваскорлик ансамблининг концерти.
12.40 ЎзССР ва Узбекистон Компартияси ташкил топганлигининг 60 йиллигига. Ҳ. Ҳ. Нишёзий. «Бой ила хизматчи». Ҳамза номли Узбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
14.30 «Замандас». Қишлоқ хўжалик ходимлари учун кўрсатув (қозоқ тилида).
15.30 Мактаб ўқувчилари учун. «Светофор».

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 Мактаб ўқувчилари учун. «Мўъжизалар оламига саёҳат» (рус.).
19.00 «Рассомлар ҳақида ҳикоялар». Кулол М. Раҳимов.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.50 Телевизион миниатюралар театри.
20.30 «Ахборот».
20.55 «Санъаткорлар — пахтакорларга». Музикали программа.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Хирмонингизга барака».
22.25 Телевидение экранида биринчи марта. «Узгалар ичида бегона, бегоналар ичида ўзга». Бадиий фильм.
24.00 Кўрсатувлар программаси.

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

9.00 — 16.10 МТ II.
18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 Болалар учун концерт.
18.50 «Иштиёқ». Телефильм.
19.00 «Новости».
19.20 «Умид». Телеклуб.
20.00 «Ахбор».
20.25 «Жаҳон бир ҳафта ичида».
20.40 «Атом билан мулоқот». Ҳужжатли фильм.
21.00 «Саёҳат-ла оламни билассан».
21.30 МТ II

ЯКШАНБА, 14. X

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ХОДИМЛАРИ КУНИ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Яман Халқ Демократик Республикаси миллий ашула ва рақс ансамблининг концерти.
10.10 «Будильник».
10.40 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!»
11.40 «Здоровье».
12.25 «Тонгги почта» музикали кўрсатуви.
12.55 «Совет турпоғидаги учрашувлар».
13.10 «Қишлоқ янгиликлари».
14.10 «Музикали киоск».
14.40 «Саёҳатчилар клуби».
15.40 И. Брамс. Скрипка ва фортепьяно ижроси учун 3-соната.
16.00 «Ҳаётга йўлланма».
16.40 «Бугун — Қишлоқ хўжалик ходимлари куни». КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР қишлоқ хўжалик министри В. К. Месяц сўзи.
17.00 «Табрикларимизни қабул этинг». Қишлоқ хўжалик ходимлари кунига бағишланган музикали кўрсатув.
18.30 «Халқаро панорама».
19.15 Акробатика бўйича жаҳон чемпионати якунларига доир. Софиядан олиб кўрсатилади.
19.50 Мультфильм.
20.15 «Субҳидамлар бўсаси». Бадиий фильм.
21.30 «Время».
22.05 Ростокда «Одамлар ва денгиз» халқаро қўшиқлар фестивали. ГДРдан олиб кўрсатилади.
23.05 «Қадимий Колхида шаҳри». Телефильм.
23.30 Янгиликлар.

«ЎЗБЕКИСТОН ССР АВТОМОБИЛЬ ҲАВАСКОРИ» жамиятининг

ТОШКЕНТ ШАҲАР АВТОМОБИЛЬ МАКТАБИ

«В» категориясидаги транспорт воситаларини ҳайдовчи ҳаваскорларни тайёрлайдиган

ҚУРСЛАРГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати — 3,5 ойгача.

Машғулотлар кундузи — — соат 9 дан 12.15 гача ва 15.00 дан 18.15 гача; кечки —соат 18.30 дан 21.45 гача ҳафтада икки марта ўтказилади.

Тошкент шаҳри район ижроия комитетлари қошидаги жамиятнинг район советларига мурожаат этилсин.

Автомобиль мактаби адреси: Тошкент шаҳри, Студентлар шаҳарчаси, 2-Чимбой кўчаси, 197-уй (10э, 28э, 34э, 38, 87, 88, 100. автобуслар; 8, 18-троллейбуслар, 9, 12-маршрут таксиларининг «Студентлар шаҳарчаси» бекати).

1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАБ

САНОАТ МОЛЛАРИНИНГ БАҲОСИ АРЗОНЛАШТИРИЛГАН

Жумладан қуйидаги спорт моллари ҳам арзонлаштирилган баҳода сотилмоқда:

ИЖ-ЮПИТЕР-4 МОТОЦИКЛЛАРИ;

РИГА-22, ЗИФ—77 МОПЕДЛАРИ;

«УРАЛ» ВЕЛОСИПЕДЛАРИ;

«КЕФАЛЬ» САЙР ҚИЛИНАДИГАН ҚАЙИҚЛАР;

«ВИХРЬ», «ВЕНЕРА», «НЕПТУН», «ЭЛЕКТРОН» МОТОРЛИ ҚАЙИҚЛАР;

ТРИКОТАЖ БУЮМЛАРИ — гимнастикачилар трикоси ва фуфайкаси, чўмилиш кийимлари, плавкилар, майкалар, рейтузлар, болалар костюмлари, пайпоқ-носкилар.

ЮҚОРИДАГИ МОЛЛАРНИ «СПОРТМОЛЛАРИ» МАГАЗИНЛАРИДАН СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН:

1 — У. Юсупов кўчаси, 3-уй;
2 — Муқимий кўчаси, 16-уй;
22 — Олмазор массиви, 15/3-уй;
42 — Олой бозори.

«УЗСПОРТТОРГ» УЛГУРЖИ-ЧАКАНА САВДО БАЗАСИ (телефон 96-29-50).

«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Узбекистон реклама агентлиги (телефон 45-38-24).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

17 ОКТЯБРДА

МАВСУМ ОЧИЛАДИ

СОВЕТ ЦИРКИ УСТАЛАРИНИНГ ЯНГИ ПРОГРАММАСИ

(икки бўлимдан иборат)

Томошалар ҳар куни соат 19.30 да, шанба ва якшанба кунлари соат 13, 16 ва 19.30 да бошланади.

Коллектив бўлиб келиш учун буюртмалар қабул қилинмоқда.

Олдиндан билет сотиш кассаси ишлайди.

44-35-84, 44-35-91 телефонлар бўйича справкалар олиш мумкин.

Касса соат 10 дан 20.00 гача очиқ.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР ПОЧТА АЛОҚАСИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ—ТЕХНИКА БОШҚАРМАСИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ АБОНЕНТЛАРИГА

ТЕЛЕФОНДАН ФОЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН ҲАҚНИ ИСТАЛГАН АЛОҚА БЎЛИМИДА ТЎЛАШ МУМКИНЛИГИНИ

МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети умумий овқатланиш Бош бошқармаси, савдони илмий ташкил этиш Тошкент область правлениеси ва

ТОШКЕНТ ТЕХНИКА УЙИ (Ленинград кўчаси, 48-уй)

10 ОКТЯБРЬ СОАТ 9.30 ДА «УМУМИЙ ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ОВҚАТЛАНИШИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ» деган мавзуда

ИЛМИЙ-ТЕХНИКА КЕНГАШИНИ ЎТКАЗАДИ

Илмий-техника кенгашига ошхоналар трестининг директорлари ва уларнинг ўринбосарлари, давлат савдоси ходимларининг касаба союз комитетлари раислари, бош технологлар, технологлар (мактабда овқатланиш бўйича), меҳнатни илмий ташкил этиш хизматчилари, ошхона мудирлари (мактабларга хизмат кўрсатадиган), район халқ маорифи бўлими ходимлари, мактаб директорлари таклиф қилинади.

4 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ

8 ОКТЯБРЬ, 1984 й. Р —20109. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри индекс 64690